

Узоқ йиллик тарихга эга Бойсун маданий мухити ўзидан миллий санъатнинг деярли барча йўналишини қамраб олганлиги билан ҳам дунё ахлини хайратга солиб келади. Улар орасида сурнай санъатининг ўрни алохида кўзга ташланади.

Пуфлаб чалинадиган созлар, жумладан, сурнай Бойсун фольклор санъатининг алохида муҳим бўғини сифатида узоқ йиллар давомида шаклланган. Айниқса, ўтган асрнинг яримларида ушбу санъат тури Бойсунда шу даражада ривожландики, ўшанда ҳатто бир нечта оилавий сурнайчилар авлоди ҳам шакланган эди. Худди мана шу оилавий авлодларнинг меҳнати ва заҳмати тўғайли сурнай санъати бугунгача ҳам Бойсун маданий муҳитининг асосий элементларидан бири сифатида давом этмокда.

Улар орасида Дони меҳтар номи билан машҳур бўлган сурнайчилар бош авлодининг фарзанди, таниқли санъаткор, отаси каби Бойсун сурнайчилик мактабида ўзига хос из қолдирган Ражаб меҳтар алоҳида улуғланади.

Бойсун новвойчилик мактабининг қадим машҳур усталаридан бири бўлган Тўракул новвойдан уч ўғил – Дони, Шариф, Нормамат қолди. Улар ичида Донининг ҳафсаласи бўлакча эди. Ўша замонларда ота касбини қилиш, айниқса, новвойлар авлодида одат эди. Бироқ, Дони бошқа йўлдан кетишга қарор қилди. Бола чоғида элнинг тўй-томошаларида хизмат қилиб юргувчи санъат аҳлига қизиқа бошлади. Айниқса, устазода сурнайчиларга кўпроқ эътибор қаратарди. “Нариги гузардаги тўйга фалончи меҳтар келармиш”, деган гапни эшитса, ўша тўйга бормай қолмасди. Бора-бора қизиқиш интилишга, шу касбга бўлган иштиёққа, қатъиятга айланди:

“Меҳтар бўламан!” деди. Дони Тўракул “меҳтар бўламан” деб ният қилган ўша олис замонларда Бойсун тўй-ҳашам, анжуманларда сурнайчи-мехтарлар давранинг тўрида эди. Сурнай навосисиз, сурнайчисиз тўй ҳам, машварат ҳам татимасди. Чорқарс, дучўбага ўйнаган раққос акаларнинг хиромани ҳам, хофизларнинг жарангли қўшиғи ҳам, доиранинг нағмаси ҳам сурнай билан эди.

Орадан анча вақт ўтди. Бойсуннинг у гузаридан бу гузари, бу ёғи Сина-ю, Термизгача овоза бўлдики: “Бойсундан Дони меҳтар дегич сурнайчи чиқибди”. Дони меҳтар тўйларни қизитди, Дони меҳтар гап-гаштакларни қизитди,

Дони меҳтар давраларни обод қилди.

Дони меҳтарнинг номи чиқди. Тўракул новвойнинг ўғли меҳтар бўлди. Элда азиз бўлди. Элнинг яхши кунларини обод қилди. Хайрон қолганлар бўлди: “Новвойнинг ўғли қайтиб меҳтар бўлди? Новвойлик ҳам ёмон касб эмасди-ку?”

Кейинчалик Дони меҳтарга эргашувчилар, тақлид қилгувчи ёшлар ҳам пайдо бўла бошлади. Дони меҳтар уларнинг раъйини қайтармади, шогирдликка олди. Сурнай санъати сирларини ўргатди. Шу тарика Жаббор, Авлиёкул меҳтар каби шогирдларни етиштирди.

Дони меҳтарга ўғил фарзанддан ёлғиз Ражабни берганди. Меҳтар ўғлининг тарбиясига эътибор қилди. Айниқса, эсини билиб-билмай отаси каби сурнай наволарини алоҳида завқ билан эшитишларини кузатди. “Шу болада бир гап бор, хунарим давомчиси бўлади-ёв” – хаёлидан ўтди меҳтарнинг. Ёлғиз ўғлининг раъйига қаради. Фарзанди ўзи каби эл назарига тушиши, “Ражаб меҳтар” дея улуғланишини ният қилди, сурнай санъати сирларини аста-секин ўргата борди. Санъаткорнинг номи улуг бўлса-да, бу улуғликка етишнинг йўли оғирлиги, нони “қаттик”лигини эслатиб турди.

Йиллар ўтиб ёлғиз ўғил Ражаб “Ражаб меҳтар” бўлди. Бироқ ўғлининг машҳурлик пиллапоясиди бўлган чоғларини, “меҳтар”лик даражасига эришишини кўриш Дони меҳтарга насиб қилмади. Ражаб ҳали болалигидаёқ Дони меҳтар омонатини топширди.

Ўзидан яхши ном, яхши шогирдлар ва “Сурнайчи-мехтарлар авлоди”, деган яхши бир авлод қолдириб кетди. Ражаб меҳтар ана шу авлоднинг энг улуғи бўлди, шу авлоднинг энг ишончли давомчиси бўлди. Ражаб меҳтарнинг улуғлиги отадан ҳам зиёда бўлди.

Дони меҳтардан қолган сурнайни аёли авайлаб-асради. Ражаб ўша сурнайни момосидан сўраб олиб, аста-секин сурнайчилик санъатини ўзлаштира борди. Унга осон бўлгани шуки, отасига ўхшаб йўқдан бор қилмади: у яхши сурнайчи бўлиши учун Дони меҳтар ўғлига қолдириб кетган мустаҳкам пойдевор устиди катта “қўрғон” қуриш, Бойсун сурнай санъати мактабининг ўзига хос аъаналарини давом эттиришга бел боғлади.

Бойсун сурнай санъати

дарғалари, уларнинг бугунги авлод ва шогирдлари ҳам бу санъат турини махсус таълим муассасаларида тахсил олиб ўрганишмаган. Санъат сирини ўрганиш, жумладан, сурнайда алоҳида тугал мусиқавий асарларни ижро этиш кўникмалари мустақил, “устоз-шогирд” анъанаси ўлароқ ўзлаштирилган. Ражаб меҳтар ҳам устозлар изидан бориб, уларнинг усулида иш тутди, бироқ ўз услубини яратиш учун ҳам кўп меҳнат қилди. Фақат сурнай санъати эмас, доира санъатини ҳам мукаммал ўрганди.

Шу ўринда, сурнайчилар ҳақида гап кетганда, уларга “меҳтар” тахаллуси қўшиб номларини тутиш одатига тўхталмоқ лозим. Шахсан ўзим бугунгача сурнайчи санъаткорларга “меҳтар” тахаллуси билан мурожаат қилиниши одатини Бойсундан бошқа бирор жойда учратмаганман. Сурнайчиларни “меҳтар” деб аташ, менинг билишимча узоқ йиллар фақат

Бойсунда урф бўлган. Бироқ кейинги йилларда Сурхон воҳасининг бошқа ҳудудларида ҳам бу анъана ўтиб бораптики, бунга вилоятнинг бойсунликлар авлоди тигиз яшаётган ҳудудларида кўпроқ дуч келаимиз. Демак, барибир бу ибора бойсунликлар учун одат. Шундан келиб чиқиб сурнайчилар учун бериладиган “меҳтар”лик мақоми қадим Бойсундан бошланган деб айтиш мумкин ва бугунгача бу анъана бузилмаган. Умуман ҳозир ҳам ҳеч ким “фалончи сурнайчи” деган иборани ишлатмайди. “Фалончи меҳтар” дейиш қатъий одат.

“Меҳтар” сўзи ўзбек тили луғатларида мавжуд эмас. Кўпчилик ушбу сўз араб тилида “улуғроқ” деган маънони англатади, деган фикрда. Бироқ, изланишлардан маълум бўлдики, “меҳтар” сўзи қадим форс-тожик тилида “улуғ”, “буюк”, “юксакроқ” деган маънони берган. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, сурнайчиларга “меҳтар” тахаллуси таваккал бериладиган одат, анъана бўлмаган. Бу номга фақат ушбу касбнинг энг юқори даражасига эришганларгина сазовор бўлишган. Кейинчалик, сўзнинг асл маъносидан беҳабарлик боис, эл орасида барча сурнайчиларга бирдек “меҳтар” тахаллуси билан мурожаат қилиш одат тусига кирган кўринади.

Бойсун маданий муҳитида

Ражаб меҳтар отаси Дони меҳтар каби “меҳтар”лик, яъни ўз касбдошлари ичида “сурнайчилик санъатининг улуғи”, деган мақомга эришган камдан-кам санъаткорлардан бири эди. Унинг сурнай санъатида эришган ютуқлари нафақат эл орасида, балки профессионал санъат намояндалари орасида ҳам эътироф этила бошлангач вилоят мусиқа театрига (ҳозирги Маннон Уйғур номидаги мусиқа театрига) ишга тақлиф қилишади. Ражаб Дониев бир неча йил театрда фаолият кўрсатади. Бироқ ўша йиллар Ўзбекистонда миллий фольклор ва халқ этнографиясини қайта тиклаш, бу борада миллий халқ фольклор этнографиясини аслиятича сақлаган ҳудудлар бўйлаб экспедициялар ташкил этилиб, изланишлар олиб борилаётганидан хабардор бўлган яна Бойсунга қайтишга қарор қилади. Мақсади, агар ушбу изланишлар пировардида Бойсун минтақаси танлаб олинса, Бойсун

фольклор санъатини кейинги ривожини ва уни бутун дунёга олиб чиқиш бўйича бошланадиган қаражатларга ўз ҳиссасини қўшади.

Шу тариқа эл орасида “Ражаб меҳтар” тахаллуси билан танилган Ражаб Дониев ўз фаёолиятини “Шалола” ашула ва рақс ансамбли таркибида мусиқа раҳбари сифатида давом эттиради. Ансамбль аъаналари ва Бойсун маданий муҳити ривожига ҳисса қўшишга бел боғлаган бошқа ўнлаб фидойилар каторида туриб ижодий изланишлар қилди. Кейинчалик бойсунча оҳангларга йўғрилган “Бойсун мавриғи”, “Чор қарс”, “Дучўба”, “Найзангун” каби алоҳида мусиқий асарларни ҳамда қадим Бойсун фольклор намуналарини сурнайда ижро этишда алоҳида маҳоратини намоийиш этади. Унинг сурнай навосида ижро этган чиқишлари тез орада республика радио ва телевидениеси орқали ҳам берилиб, Бойсун ва Сурхон маданий муҳитига хос оҳанглар, наволар бутун Ўзбекистон ва Иттифоқ бўйлаб жаранглай бошлайди. Айниқса, бойсунлик санъаткорларнинг илк бор хорижий сафарлари – Болгарияда ўтган халқаро тоғли ўлкалар фольклор фестивали ҳамда Москва телеканали орқали намоийиш этилган концерт дастурларида Ражаб меҳтарнинг сурнай наволари билан

чиқишлари унинг ҳаётидаги эсда қоладиган энг мазмунли дамлар бўлиб қолди. Бу каби республика, умумиттифоқ ва халқаро даражадаги нуфузли анжуманлардаги ўзига хос иштироки ва ижро орқали у нафақат ўз касбий маҳорати, балки Бойсун маданий муҳити, унинг ажралмас қисми бўлган сурнайчилик мактаби даражасини бутун иттифоққа, дунёга кўрсата олди.

Бойсун маданий муҳити, санъати, фольклор мероси ҳақида устоз санъаткор, Бойсун санъати даргаларининг устозларидан бири Зикир Умаров билан жуда кўп суҳбат қилиш шарафига муяссар бўлганман. Ўша суҳбатлардан бири сурнай санъати ҳақида ҳам бўлгани эсимда. Домла бу санъат тури ҳақида гапирар эканлар, Бойсун сурнайчилик мактабининг ўзига хос хусусиятлари, хусусан, меҳтарлар (халқ тилида “метар”лар) ҳақида ажойиб бир фикр бергандилар. “Биласизми, шогирд, Бойсун маданий муҳити неча ўнлаб олимлар учун ўрганиш объекти бўлиши мумкин. Мана, биргина сурнай санъатига қаранг. Мутлақо ўзига хос усул, ўзига хос мактаб. Бу мактабни бошқа жойдан излаб тополмайсиз. Дони меҳтар, Ражаб меҳтарларга қаранг, ўз касби доирасида профессионал билим даражасига эга бўлмаса-да, мен деган профессионал мутахассис-санъаткорга дарс беради. Халқона санъат, халқ санъати деб мана шунини айтса бўлади...”

Мен шунини аниқ биламанки, раҳматлик устоз Зикир Умаров санъат, маданият бобида гапирганда ҳеч кимнинг маҳоратига таваккал баҳо берадиган инсон эмасдилар. У кишининг ўша замонларда Ражаб меҳтар маҳоратига берган таърифлари – бу профессионал санъаткорнинг, Бойсун фольклор маданияти билимдонининг Бойсун сурнайчилик мактаби дарғаларидан бири бўлган оддий сурнайчи – санъаткорга берган бегарз баҳолари эди.

Ражаб меҳтар отаси Дони меҳтарнинг нафақат сурнайчилик ўнаруни маҳорат билан ўзлаштириш, балки бу санъатни кейинги авлодларга ҳам қолдириш, яъни, шогирдлар қолдириш одатини ҳам давом эттириб, ўз ҳаёти давомида бир қанча шогирдлар тайёрлади. Энг аввало, ўғиллари Ҳамро ва Нейматга (марҳум) ушбу касбнинг энг нозик сир-синуотларини ўргатди. Кейинчалик, улар ҳам падарлари изидан бориб, эл орасида меҳтар

тахаллуси билан танилдилар. Шунингдек, Зоир, Ботир, Мавлон, Машраб, Абдулло, Шоқир каби ёш сурнайчилар авлоди ҳам Ражаб Дониевни ўзларига устоз деб билиб, у кишидан сурнай санъатини ўрганиб, бугун уларнинг аксарияти эл хизматида бўлиб юрибдилар.

Ражаб меҳтарнинг катта ўғиллари Ҳамро Дониев устози, ҳам отаси ҳақидаги хотираларида у кишининг яхши сурнайчи бўлиш учун кўпчилик учна эътибор қилмаган сирлари ҳақида қизиқ фикрларни айтиб қолди. Ҳамро меҳтарнинг таъкидлашичи, Ражаб меҳтар сурнайчининг ярим маҳоратини кўрсата оладиган – бу доирачи деган фикрда доим собит бўлган эканлар. Шунинг учун ҳам у киши ҳеч қачон тасодиф доирачи билан саҳнага, тўй-ҳашамларга чиқмаган эканлар. Ўз замонасининг энг зўр ас доирачилари Пўлат доирачи, Зиёдулло доирачи, Абдулло ва Барот ногорачи каби уста санъаткорлар у кишига ҳамроҳлик қилганлар. Кейинчалик, оталарининг изидан борган фарзандлар ҳам турли тадбир, концерт намоийишлари ва тўй-ҳашамларда ушбу доирачилар авлоди бўлган Қудрат, Шавкат, Раҳмат, Файрат, Жўра, Неймат, Тилло доирачи каби сулола доирачилар хизматидан фойдаланишга ҳаракат қилган.

Мазкур мақола тайёрланиши жараёнида шунга амин бўлдимки, бугунги кунда Халқаро ЮНЕСКО ташкилоти томонидан эътироф этилиб, дунё номоддий маданий муҳитини яратган, уни қайта тиклаган ва дунёга таништишга улкан ҳиса қўшган ўнлаб, ҳатто юзлаб бойсунлик санъаткорлар (афсуски уларнинг жуда кўпчилиги орамизда йўқ) ҳақида, уларнинг заҳматли меҳнати, ҳаёти ва фаолияти ҳақида деярли ҳеч нарса билмас эканмиз. Ҳатто уларнинг аксарияти ҳақидаги маълумотларни оила-аъзоларидан ҳам топиш мушкул иш.

Ушбу иш орқали тилга олганимиз Дони меҳтар ва у кишининг ўғиллари Ражаб меҳтар яратган, қолдириб кетган Бойсун сурнай санъати мактаби ўша буюк ишларнинг кичик бир бўлғайи холос. Назаримда Бойсун маданий муҳитини аслиятича сақлаб қолган марҳум санъаткор устозлар, қолаверса, бугунги кунда бу соҳада фидойилик қилаётган уста-санъаткорлар, мутахассислар ҳаёти ва фаолияти, марҳумлар қолдириб кетган Бойсунга хос маданий меросни излаш, топиш ва мангуликка дахлдор қилиш заруратга, кечиктириб бўлмайдиган заруратга ўхшайди.

Даврон ОРИПОВ.

СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ: ИМКОНиятлар, таҳдидлар ва келажак манзараси

Бугунги глобаллашув даврида технологиялар инсон ҳаётининг деярли барча жабҳаларига кириб бормоқда.

Улар ичида энг кўп муҳокама қилинаётган ва баҳс-мунозараларга сабаб бўлаётган йўналишлардан бири-бу сунъий интеллект (СИ)дир. У оддий дастурий таъминотдан фарқли ўлароқ, ўрганиш, таҳлил қилиш ва қарор қабул қилиш қобилиятига эга тизимлар мажмуасини англатади.

Сунъий интеллект тушунчаси илк маротаба XX аср ўрталарида пайдо бўлиб, Алан Тюринг каби олимларнинг ишлари билан мустаҳкам илмий асосга эга бўлди. Унинг машҳур “Turing test” машиналарнинг инсон фикрлашига қанчалик яқинлашганини аниқлаш мезони сифатида ҳали-ҳануз долзарблигини йўқотгани йўқ. Кейинчалик, John McCarthy томонидан “сунъий интеллект” атамаси илмий муҳокамага киритилди ва бу соҳа мустақил фан сифатида шаклланди.

Ҳозирги даврда сунъий интеллект ривожини асосан катта ҳажмдаги маълумотлар (Big Data) ва чуқур ўрганиш (deep learning) технологияларига таянади. Нейрон тармоқлари инсон миясининг ишлаш принципларига асосланган ҳолда мураккаб муаммоларни ҳал қилишга қодир. Масалан, Google томонидан ишлаб чиқарилган алгоритмлар нутқни таниш ва

таржима қилишга, Tesla эса автоном транспорт тизимларида сунъий интеллектдан самарали фойдаланмокда.

Сунъий интеллект ишлаб чиқариш самарадорлигини оширади, инсон омилидан келиб чиқадиган хатоларни камайтиради ҳамда янги касб ва мутахассисликларнинг пайдо бўлишига замин яратади. Шу билан бирга, автоматлаштириш айрим



касбларнинг йўқолишига олиб келиши мумкин. Бу эса меҳнат бозорида қайта тайёрлаш ва янги кўникмаларни эгаллаш заруриятини келтириб чиқаради.

Сунъий интеллект пайдо бўлиши ва унинг шиддат билан ривожланиб бориши фониди бир қатор ахлоқий ва ҳуқуқий муаммолар ҳам юзага чиқмокда. Жумладан, маълумотлар махфийлиги, алгоритмик адолатсизлик, инсон назоратининг камайиши каби масалалар жиддий баҳсларни келтириб чиқараётир. Ҳатто Elon Mask каби тадбиркорлар сунъий интеллектнинг назоратсиз ривожини инсоният учун жиддий хавф туғдириши мумкинлигини таъкидлаб келмокда. Шу сабабли

кўплаб давлатлар сунъий интеллектни тартибга солувчи қонунчилик базасини ишлаб чиқишга киришган.

Таълим тизимида сунъий интеллект индивидуал ёндашувни таъминлаш, ўқув жараёнларини оптималлаштириш ва билимларни чуқурроқ ўзлаштириш имконини бермокда. Ақлли тизимлар талабанинг билим даражасига мос равишда материалларни тақдим этиб, самарадорликни оширади.

Мутахассисларнинг фикрича, яқин келажакда сунъий интеллект инсон ҳаётининг ажралмас қисмига айланади. Ақлли шаҳарлар, автоном транспорт, роботлаштирилган ишлаб чиқариш ва ҳатто тиббиётда индивидуал

даволаш усуллари кенг тарқалади. Шу билан бирга, инсон ва машина ўртасидаги мувозанатни сақлаш, ахлоқий меъёрларни белгилаш энг долзарб вазифалардан бири бўлиб қолади.

Сунъий интеллект – бу нафақат технологик ютуқ, балки жамиятнинг келажagini белгилловчи бекиёс омилдир. У инсоният олдида янги имкониятлар эшигини очаётган бўлса-да, онгли ва масъулиятли ёндашувни ҳам талаб этади. Демак, сунъий интеллектни ривожлантириш билан бирга уни тўғри бошқариш назорат қилиш ва ундан оқилона фойдаланиш жамиятнинг устувор вазифасига айланиши лозим.

Марварид РАВШАНОВА, 4-сон умумий ўрта таълим мактаби ўқитувчиси.

Атмосфера ҳавоси ифлосланишининг олдини олиш дунёдаги энг глобал муаммолардан бирига айланган.

Ушбу вазият бугунги кунда ҳар бир давлат ва мамлакат мазкур муаммога бефарқ бўлмаслигини тақозо этмокда. Жумладан, мамлакатимизда ҳам саноат ва ишлаб чиқаришнинг кейинги йилларда кескин ривожланиши, автотранспорт воситаларининг кўпайиши боис атмосфера ҳавосининг ифлосланиши йилдан-йил ошиб бормоқда. Айниқса, ҳаво ифлосланишининг деярли 95 фоизи автотранспортлар чиқараётган захарли газлар эвазига рўй бераётгани, автотранспорт воситаларидан фойдаланишни тартибга солиш, улар чиқараётган захарли ташланмаларни кескин камайтиришни тақозо этади. Шу мақсадда жорий йилнинг 10 апрелидан 10 майгача вилоятимиз ҳудудида “Тоза ҳаво” ойлйги тадбири ўтказилмокда.

Вилоят Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза

ТОЗА ҲАВО – СОҒЛОМ ҲАЁТ МАНБАИ



қилиш бошқармаси ҳамда йўл ҳаракат хавфсизлиги бошқармаси билан ҳамкорликда ўтказилаётган ушбу тадбир давомида ҳаракатланаётган транспорт воситаларидан атмосфера ҳавосига белгиланган меъёр даражасидан юқори зарарли ташланма ташловчи автотранспорт воситаларини аниқлаш, ушбу транспорт воситалари эгалари ўртасида тарғибот ўтказиш ҳамда аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан чора-тадбирлар кўришдан иборат.

Транспорт воситалари чиқарадиган зарарли газларнинг инсон саломатлигига салбий таъсирини аниқлаш бўйича олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, автотранспортда ёниш оқибатида ҳавога чиқариладиган азот оксиди, углеводлар, углерод оксиди, олтингугурт ва бошқа захарли ташланмалар инсон ўпқасининг нормал вазифасини камайтириш, қон тизимини

издан чиқариш, нафас йўллари билан боғлиқ касалликларнинг юзага келиши, кўриш қобилиятини пасайтириш, иммун тизимини ишдан чиқариш ва бошқа бир қатор оғир оқибатларга сабаб бўлади. Бугунги кунда дунё бўйлаб ҳар йили 7 миллион кишининг ҳаво ифлосланиши оқибатида вафот этишининг ўзидёк атмосфера ифлосланиши ортидан юзага келаётган оғир асоратлар даражасини кўрсатади.

Атмосфера ҳавоси ифлосланишини камайтириш фақат давлат миқёсида кўриладиган чора-тадбирлар билангина амалга ошиб қолмайди. Бу борада кўзланган самарага эришиш учун ҳар бир фуқарода масъулият, атроф-муҳитни авайлашга интилиш тўғғуларни устувор бўлиши керак. Хусусан, автотранспорт воситалари эгалари ўзларига тегишли техникаларни доимо соз сақлаши, тез-тез техник кўриқдан ўтказиб туришлари керак бўлади. Бундан ташқари, атмосфера ҳавосини доимо тоза тутишга чорловчи тадбирларни ўтказиб туриш, экологик маданиятни тарғиб қилиш, бу ишларни амалга оширишга кўнгилли волонтерларни ҳам жалб қилиш яхши самара бериши мумкин.

Мамлакатимизда атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш энг муҳим масалалардан бири бўлганлиги учун ҳам Ўзбекистон Республикасининг “Атмосферанинг ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонунининг 1-моддасида бу вазифа давлат зиммасида эканлиги қайд этилган. Ушбу моддага кўра атмосфера ҳавоси табиий ресурслар таркибига киритилган учун ҳам у умуммиллий бойлигимиз ҳисобланади ва уни тоза сақлаш ҳар бир фуқаронинг бурчи ҳамдир. Қолаверса, атмосфера ҳавосининг тозаллиги – бу энг аввало биз инсонлар саломатлигининг кафолати ҳисобланади.

Алишер ИСМОИЛОВ, Экополицианинг Бойсун туман бўлими бош мутахассиси.

Абдусаттор ТОИРОВ, Термиз Давлат университети ўзбек тили ва филология факультети 4-босқич талабаси.

Худди шундай, чунки бунинг эвазига неча-неча қорақўзларнинг кунлик эҳтиёжи қопланади.

Ўз вақтида алиментни тўлаш ўрнига, йиғиб-йиғиб амалга ошириладиган тўлов керак эмас. У фарзандларнинг яшаши учун бажарилиши шарт бўлган тўловдир. Холбуки, туманимизда шундай ота-оналар борки илоҳи бўлса алимент тўловларини ўз вақтида амалга оширишга ҳаракат қиладилар. Баъзилар эса... Масалан, Сарийосиё маҳалла фуқароси Шодиёр Худоев (исм-фамилияси ўзгартирилган) беш-етти ойлик алиментни бира-тўла тўлашга ўрганиб қолган кўринади. Қизи Муниса учун кейинги ойлар ҳисобига атиги икки миллиондан ортиқроқ алимент тўловини амалга ошириши учун қанчалар овора бўлганимизни айтмасак ҳам бўлади. Шундайга ҳам март ойининг чаласи-ю апрел ойи учун тўланадиган алимент бус-бутунлигича қолиб кетди.

Алимент тўловчи фуқароларга эслатиб ўтмоқчи эдик: -агар бундай тўловлар ўз вақтида тўлаб борилмас экан суд орқали амалдаги қонун талабларига кўра ҳатто 11 суткалик қамоқ жазоси ҳам қўлланиши мумкин.

Бахриддин ИСМОИЛОВ, туман мажбурий ижро бўлимининг давлат ижрочиси.

ОНАЖОН

Эслаганда кўзларимдан ёш тўкилар меҳрингиз, Эссизгина тўхтатолмай вақтни ожиз ўглингиз. Сочларингиз оқ рангда-ку бугун энди, жона-жон, Умр деган ёвуз душман голиб мендан, онажон.

Ҳар кўрганда эзилар дил, онам ёши ўтапти, Юзлариға ажин тушиб, бағрим ёниб кетяпти. Қани эди гўзал юрса, тетик юрса ҳар замон, Вақт дегани тегмасайди оналарга ҳеч қачон.

Достон ЖАББОРОВ, Пасурхи маҳалласи.

ОНАЖОН

Эслаганда кўзларимдан ёш тўкилар меҳрингиз, Эссизгина тўхтатолмай вақтни ожиз ўглингиз. Сочларингиз оқ рангда-ку бугун энди, жона-жон, Умр деган ёвуз душман голиб мендан, онажон.

Ҳар кўрганда эзилар дил, онам ёши ўтапти, Юзлариға ажин тушиб, бағрим ёниб кетяпти. Қани эди гўзал юрса, тетик юрса ҳар замон, Вақт дегани тегмасайди оналарга ҳеч қачон.

Достон ЖАББОРОВ, Пасурхи маҳалласи.

ИНСОН СОҒЛИҒИ ҲАММАСИДАН УСТУН

Юртимизда фуқароларнинг соғ-саломат юришлари, тинч ҳаёт кечиришлари учун доимий равишда етарли имкониятлар яратиб келинмоқда. Зеро, давлатимиз томонидан амалга оширилаётган амалий ишлар, ислохотлар инсоннинг бахт-саодати учундир.

Ҳа, биринчи навбатда бу инсоннинг ўзига ҳам боғлиқ. Қачонки улар яшашлари, ҳаракатланишлари учун фавқулотда ҳодисалардан сақланишлари лозимдир. Қайсики, ёнғин, автоҳалокатлардан холи ҳаёт бизни нормал ҳаёт кечиришга ундайди.

Апрел ойи юртимизда “фуқаро муҳофазаси” ойлиги деб эълон қилиниши ҳам юқоридаги мулоҳазаларимизга мос келади. Олайлиқ, айни шу дамларда кўнгил тоғларга, дала даштларга чиқишга мойилдир. Шундай экан, оилавий саёҳатга чиққанда фуқаролар нафақат ўзларини, балки оила аъзолари, фарзандларининг соғлиги учун қайғуришлари керак.

Дилмурод АБДУРАХИМОВ, туман ФВБ бошлиғининг ўринбосари, профилактика ва назорат бўлини маси бошлиғи.

Ҳар гоҳе, ки баҳор ояд, ҳама бо нишоту сурур ба анчуман барояд. Баҳор фасли нишоту сурури шодй бошад.

Бесабаб ақсарияти репертуари “Шалола”, “Бойсун”-ро шеър сурудаҳои баҳорӣ дар бар намегиранд. Рӯҳашон шод бод, дар ташкили ин дастаҳои фолклорӣ навсанда, драматург Холиқ Хурсанд ва режиссиёри беҳамто Абдулфайзов саҳми бузурге доранд. Воқеан, Холиқ Хурсанд дар ташкили ин дастаҳои фолклорӣ-этнография захматли бемисле нишондода ва барои зиндагардонидани эҷодиёт халқӣ хидмати бедареге карда, мардуми Бойсун гумон ме-

Холиқака як табассуми ширине ба сўйи мо ҳада карда гуфт: -Ба фестивал тайёрий медемидем, дар ҳавои суруди “Якку-як” хунарманди дуввум пайдо намешуд. Дар ин саҳна агар ду нафар бирақсанд, саҳна мазмуни баланд касб мекард. Яке ба дигаре кўмак мерасонид, дар иҷрои намоишнома. Дар ин рол чанд нафарро пешбарӣ кардем, вале онҳо аз ўҳдаи он баромада наметавонистанд. Шумо медонед, ки Бойсун шаҳри хурдест. Ҳама-ҳамро мешиносад. Тўй ва суруи худро яқчоя мегузaronанд. Як бегоҳӣ ба тўй рафтам. Хофиз суруди хуше хонду Тўра Қобил-

рок карда ин саҳнаро ба авҷи аъло расонид, Ҳама мафтунӣ рақси ў шуданд. Баъди танаффусли дамғирӣ дар меҳмонхонаҳо, хангоми сайру гаштҳо, дар ҷодаву кўчаҳо ҳар дурро мо ба рақс даъват мекардем. Одамони зиёд ба назди мо давранифта, рақси онҳоро тамоша карда, хурсандӣ мекарданд ва онҳоро дубораву себора ба саҳна даъват карда, қафқубихо мекарданд, аҳсан меҳмонданд ба хунари волои онҳо. Пас аз анҷоми фестивал ман чанд бор Тўраро ба хонаи маданият ба кор даъват кардам, вале ў маши ночизи онро баҳона пешо-

истеъдодӣ баланди ў ҳеч кас нарасид. Барои чопи асарҳои насри-ву драмативаш пуле наёфт, ки онро дасраси хонандагон намояд.

Мо хушнудем, ки чан сол боз фестивали “Бойсун баҳори” мегузарад ва мардуми ҷумҳурий аз маданияти бойи ин диёр фаҳр меку-нанд. Ҷуноне ки дар боло арз кардем, дар ташкилу омодакунии ин фестивал хизматҳои раҳматӣ бе-худо аст. Ва ин гуфтаҳои моро онҳое, ки бо ў кор карда, аз тамоми мушқилҳо оғаҳӣ доранд, бовар дорам ин андешаҳои моро ҷонибдорӣ хоҳанд кард.

Сад афсусу дареғ, ки бо тақозову қору вазиға ба соҳибмансаб-ва курсинишон борҳо гуфтем меғўем, дар ин бора, ҳеҷ тарс надорем, вале ҳеҷ не ки гапҳои моро гушашон гирад. Наҳод барои эҷодқоре, ки тамоми умри азизи хешро барои постдоштани адабиёти шиғои мардум сарфарда имрӯз бо овози баланд “Бойсун макони эҷодқорони мардумӣ” гўён лофу газзоф мезанему хизматҳои раҳматӣ режиссиёр, нависандаи чирадаст Холиқ Хурсандовро сарфиназар мекунем. Шумо ку дар зиндагиаш ба қадраш нарасидед, ақлан баъди фавташ ба қадраш расед! Шумо, ку сад кас мурад ҳам аз кисса як пули пучак намебароред, лоақл аз хароҷоти изофагии ин фестивал китобҳои ўро барои чоп омада қардан сару бар шавед, савоби онро хоҳед гирифт.

Ёддошта бошед, 800-сол қабл аз ин шоири бузруги ҷаҳонӣ бобо-ву авлодҳои, мову шумо алломаи бузурги Шарқ Мавлонои Балхӣ гуфта буд:

Биёед, то қадри ҳамдигар бидонем, Ки то ногаҳ зи як дигар на монем.

Каримон ҷонфидои дўст қарданд, Сағй бигзор, мо ҳам мардумонем.

Шумо медонед, мо ҳам медонем, ин курсиҳо барои шумо абдад нест. Агар шумоён ин амали хайро ба анҷом расонед, мардум китобҳои ин эҷодқоро хонда ба забони ҳол гўянд: “Раҳмат, ба фалон-фалон роҳбарон, ки бо кўшишҳои онҳо китобҳои нависанда, асосгузори фестивали “Бойсун баҳори” Холиқ Хурсандов аз чоп баромадааст. Дар ин сурат ҳам номи шумоён ва ҳам номи ин эҷодқори асил ба забон гирифта мешавад.

Боқӣ ҳаволаатон ба Худо!
Нуралӣ РАҶАБ.

Қатори мошинҳои нисомӣ аз шаҳри Қобул ба шаҳри кўҳани Ғазний пас аз ду рӯз расид.

Бўи ҳаво бўи хуно борутро ба димо меовард. Нисомийён ва сокино ба бими чанг афтода буданд. Гўё ба ин шаҳр мотам расида бошад. Одамон дар ҳаёли пурталоту ме фурурафта, ҳеҷ афроде хуши сўхбат надошт. Кас гўё ба ҳас метарсид. Ҳини дар қатора буданд сарбозе, ки худ аз шаҳри Ғазна буд, гуфт ки қабри Абурайхон Беруний ва ҳазрати Саноии Ғазнавиёро бо кўмаки ришисафеде ба ман рўнамо хоҳад кард. Мо баҳри хариб ба дўкон меравем гўён, аз чашми бисёриҳо пинҳон, дар ҷустуҷўи ришсафеде, ки қабри ин бузургонро гўё медонист, ба наздикии қабристон омадем. Ришисафедро полидем, гуфтанд, ки ба Қобул рафтаву қай ба манзил меояд, ҳеҷ кас наметоданд. Бо таҳлукаву ҳаяҷон ба қароргоҳ омадем. Гўё ҳама аз ин мақсади мо оғоҳ шудаву ба сўи мо бо таҳлука нигоҳ меафканданд. Ба қароргоҳ расидан баробар сарбози кўмондон гуфт, ки шуморо мушовирон ҷўёанд. Мушовир маро дидан баробар “Ту ба кучо ғайб задӣ” - гуфт. – Ба ҳеҷ кучо нафафтам, дар дўкони наздик чанд батарея барои радио хариб кардам, - гуфтам. Хайр, хайр аст, эҳтиёт бояд шуд, илова қард мушовири тўпчи. Ҳамин сон аз зиёрати қабри бузургон бе-насиб мондам.

Ба хўроки шом даъват қарданд. Кўмондон Одил Бадахшӣ садри дав-ра буд. Хонсолор зуд сари миз дастурхон ҷўр қарда хўроки шомро овард. Бо имдоди кўмондон ҳама даст ба хўрок бурданд. Пас аз та-новул ҳама аз ҷой бархоста аз пай кор шуданд. Кўмондон ба қароргоҳи аркон занг зада пилони субгохро бозпурс қард. Мушовир хастагии рохро баҳона оварда ба рахти хоби хеш рафт. Мо бо кўмондон дар утқи ў тани танҳо мондем. Аз кўмондон пурсиданд, ки дар шаҳри Ғазна мемонем, ё роҳи хешро идома хоҳем дод. Ў гуфт ба пеш ба сўи Чамкани хоҳем рафт. Каме ис-тод ва боз лаб ба суҳан боз қард – “Роҳи Чамкани хеле хатарнок, ҳам-марзи Покистон аст. Дар ин ми-ната асокири Гулбиддин ва зарха-ридҳои Амрикову Арабҳо яқчоя гўё аз Ислон дифо мекарда бошанд?” - Хайр аст, аз сарнавишт ҷойи гурез нест. Дар пешони ҷй сапт шудабо-шад, онро хоҳем дид - гуфт Одил



хавфли юқумли касаллики атайин юқтирганлик учун жавобгарлик белгилан-ган бўлса-да, барибир фуқаролар ушбу ҳолатларда жуда эҳтиёт бўлишлари фой-дадан холи бўлмасди.

Шу ўринда, ОИТС билан касалланган-лар яшаб қолиши учун умид йўқ деган фикр-да бўлганлар учун таъкидламоқчимизки, бугунги замонавий тиббиёт тараққиёти боис касалликка чалинган беморлар эн-диликка самарали даволаниб, тўлиқ меҳ-нат фаолияти билан шуғулланиш, оила куриб соғлом фарзанд кўриш имкониятла-ри мавжуд. Тахлилларга қўра ҳатто ҳар икки жуфтада касаллик бўлган оилаларда ҳам соғ-лом фарзандлар туғулишига эришиляп-ти. Шундай экан, озгина эътиборсизлик ёки бўлмаса ҳаётда йўл қўйилган биргина хато оқибатда ўзида ушбу касалликини юқти-риб олган беморлар ёки касаллик вирусини ташувчилар ҳеч қачон тушқунликка туш-масликлари, билвакк уни енгиб ўтиш, соғ-лом ҳаёт тарзига қайтиш, соғлом фарзан-дларни дунёга келтириб, уларни воёга ет-казишга интилишлари лозим. Зотан, сиз-нинг интилишингиз, ҳаётга, яшашга бўлган ишончингиз ва шифокорларнинг захматли меҳнатлари ҳамкорлиги, ишонч билан ай-тиш мумкинки, бутун дунёни қўрқувага со-лган касаллики енгилга ва ҳатто тамо-ман бартараф қилишга қодир.

Шоҳида ЭШМИРЗАЕВА,
Бойсун туман юқумли касаллик-лар бўлимининг олий тоифали на-вбатчи ҳамшираси.



кунам онро ҳеҷ гоҳ фаромўш на-хоҳанд қард.

Ёд дорам, раҳматӣ Холиқака барои омадагии саҳначае борҳо ба деҳаи Пулхокин рафта, бо мўзадўзи ин деҳа чанде сўхбат ораста, пасон ин намоишномаро пешкаши мардум қарда буд. Ҳама-гон медонанд, ки дар асоси пеш-ниҳодҳо андешаҳои ў фестивали “Бойсун баҳори” арзи вучуд қар-дааст. Хизматҳои ў буд, ки ансам-бил “Шалола” дар фестивали ҷаҳонӣ дар Польша табари тил-лоеро ба даст овард.

Боре дар як чамъомаде ме-нишастем. Ин дам Тўра Қобил, ки дар ҳавои суруди “Якку-як” ҷун раққоси моҳир баромад қардааст, бо Холиқака омада гарм-гарм ҳолпурси қард. Аз Холиқака пу-рсидам, ки ҷй гуна маҳорати ўро пайбурда ҳамчун хунарманди пу-рамаҳорат ўро ба Польша бурдед?

ро ба давра хостанд. Ў ҷунон рақсид, ки ҳама мафтунӣ маҳор-рати ў гаштанд. Ҳозирин ба ма-ҳорати ў аҳсан хонда, аз хофиз хониш мекарданд, ки боз як су-руде хуше хонаду Тўра Қобил дар ҳавои он бирақсад. Хофиз ноилоҷ боз як суруди шўхе хон-ду боз Тўра Қобил ба рақс ба-роммад. Ба қавли мардуми бой-суний даврано қарфонид, он шаб ў. Рақсҳои ўро бо завқ тамошо қарда, ба диғ меғуфтам, ки шаҳ-си дувуми саҳнаороро ёфтам, гўён ба дил меболлидам. Хамин тариқ Тўра Қобилро ба наздам даъват қарда гуфтам, ки пағоҳ ба хонаи маданият ояд. Рўзи ди-гар ў ба назди ман омад. Дар хузури ҳама дар ҳавои ин суруд ҳардуро ба саҳна даъват қардем. Ба ҳамагон хунарнамоии Тўра Қобил писанд омад. Хамин та-вр, дар Польша ба фестивал ишти-

варда хоҳиши маро рад қард. Холиқ Хурсандов воқеан марди эҷодқор буд. Ў ҳам чун хофиз сурудҳои пурмаъноро аз эҷодиёти классикони адабиёт бо маҳорат месуруд. Мардум ба умқи хонданиҳои ў фурурафта ба маҳорати модарзодиа-ш аҳсан меҳонданд.

Ў дар навиштани ҳикояҳо киссаҳо ва асарҳои саҳнавий дасти боло дошт. Хусусан, ки-саи “Ўлдинг азиз бўлдинг”, “Фавтидӣ азиз гаштӣ”, “Пираза-на”, ки дар сари роҳ нишаста буд”, хеле ҷолибу хоноянд. Саҳ-наҳои драмативӣ ўро бисёр те-атрҳои халқӣ ба намоиш гузош-та, он писанди ҳамагон гашта буд. Холиқака аз ягон ин театр-ро ҳаққи қалам гирифта ната-вонист. Нобасомониҳои рўзгор ўро дар зиндагӣ дилшикаста қарда буд, ба қадри маҳорату



ЎЗИДАН ҲАМ НОМИ ЁМОН КАСАЛЛИК

Ўзингизни ушбу хавфли касалликдан ишончи химоя қилган бўласиз. Касаллиқнинг аҳоли орасида тез

эмаслиги сабаб ОИТСни бутунлай даволашнинг им-кони бўлмайди. Фақат ан-тиретровирус терапия (АРТ) ёрдамида вирусни органи-зма тизгинлаб туриши ва бемор умрини узайтириши мумкин. ОИТСнинг асосий белгилари – тана вази-нининг кейсинк пасайиши, узок вақт сурункали давом этадиган иситма, сурунка-ли ич кетиши, оғиз бўшлиғи ва теридаги замбуругли ин-фекциялар, умумий ҳолсиз-лик каби аломатлар қанча тез аниқланса, касалликини даволаш профилактикаси ҳам шунчалик самарали бўлади. Бунинг учун ОИВ вирусини ўтган беморлар аввало ўзлариде пайдо бўла бошлаган мана шундай аломатларга бе-эътибор бўлмасликлари ва бу ҳақда тез-да шифокорларни хабардор қилишлари зарур бўлади.

Ушбу хавфли касалликини дунё бўйлаб тез тарқалаётгани, жумладан, мамлака-тимизда ҳам ундан жабр кўраётганлар сони аллақачон 50 минг кишидан ошиб кетганлигини эътиборга олсак, касаллик-нинг олдини олиш ва бартараф этишнинг энг ишончли йўли – бу унинг профилак-тикасига, ҳимояланиш тартибларига қатъий амал қилишдир.

Биринчи навбатда ҳар бир шахс та-содифий жинсий алоқалардан тийилиши шарт. Тахлилларга кўра ОИТС ва унинг вирусини юктириб олишнинг энг кўп ку-затилаётган тури айнан нотўғри жинсий алоқалар, шу жумладан вирус тарқатув-чи кишилар билан бўлган жинсий ало-қалар туфайли қайд этиляпти. Шунинг-дек, доим бир марталик шприцлардан фойдаланиш, тиббий ва косметик муоа-лажаларда стерилликка қатъий риоя қилиш шарт. Касаллик вирусини тарқа-тувчилар орасида гиёҳвандлар ҳам кўпчиликини ташкил этишларини эътибор-га оладиган бўлсак, гиёҳвандлик бало-сидан узоқроқ бўлиш, гиёҳвандлар би-лан мулоқот қилишдан, уларнинг дав-расида бўлишдан тийилишга қаттиқ эъти-бор қаратиш керак бўлади. Мўҳими, шах-сий гигиенага амал қилсангиз ва вақти-вақти билан шифокорлар кўригидан ўтиб, қон тахлиллари ўтказиб турсангиз, сиз

тарқалишининг энг хавфли йўли-бу ушбу касаллик би-лан касалланган ёки унинг вирусининг ташувчи бўлган беморларнинг касалликини бошқаларга атайин юқти-ришга ҳаракат қилиш ҳолат-лари мавжудлигидир. Баъ-зан вирус ташувчи ёки ка-салланган шахс касаллик оқибатлари туфайли турли стрессларга тушиши боис, ёки руҳий босимлар сабаб уни бошқаларга атайин юқтиришга ҳаракат қилиша-ди. Бугунги кунда, гарчанд мамлакатимизда ҳам ушбу

Давом дорад

Нуралӣ РАҶАБ.

“ҚАҚНУС” – СЎЗ ВА РУҲ ПАРВОЗИ БОШЛАНГАН МАСКАН



Тумандаги 4-умумий ўрта таълим мактаби маънавий-маърифий ҳаётида янги рух, янги нафас олиб кिरувчи муҳим ташаббус “Қақнус” номили шеърят ва ижод клуби ташкил этилди.

Ушбу клуб нафақат ўқувчилар, балки сўз санъати га ошно барча ижодкорлар учун илҳом манбаи бўлиши кутилмоқда. “Қақнус” номи ҳам бежизга танланмаган. Афсоналарга кўра, Қақнус қуши ўлими яқинлашаётганлигини олдиндан сезиб, атрофига ўтинлар йиғиб, унинг орасига ўтириб тинимсиз ноалар қиларкан. Охиروқибат унинг қанотларидан ўт сачраб, ўзини ўзи оловда ёқиб кулга айланаркан. Бироқ, ўша кулнинг ичида бир кичкина чўғ қоларкан, кул совугач, чўғдан қайта тирилган Қақнус янгидан ҳаё бошларкан...

Бу эса ижоднинг, илҳомнинг ва руҳий юксалишнинг рамзидир. Ижодий клубимиз ҳам айнан шу ҳолни ўзида мужассам этиб, ёш авлод қалбида адабиётга бўлган муҳаббатни кучайтиришни мақсад қилган.

Кўни-кеча эса мазкур тўғарагимизнинг дастлабки ижодий-маърифий тадбири ўтказилиб, унда таникли шоир Ёқуб Қаноат, ёзувчи Дилбар Йўлдошева, мактабимизнинг ижодкор ёшлари ҳамда бир гуруҳ фахрий ижодкор-педагоглар иштирок этиб, бадий ижоднинг жозибаси, сўзнинг қудрати, шеърят, адабиётнинг маънавий ҳаётимизда тугган ўзига хос ўрни, тарбиявий аҳамияти ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Хусусан, шоир Ёқуб Қаноат, Ўзбекистон ёзувчилар уюш-

маси аъзоси Дилбар Йўлдошева таълим масканида ижодий клуб ташкил этиш ташаббусини қўллаб-қувватлаб, ушбу маънавий ижод гулшани Бойсун адабий муҳи-тида ўзига хос ўринга эга бўлиши ва у келгусида ёш ижодкорлар учун ижодий парвоз майдонига айланишига ишонч билдирдилар. Тадбир давомида, шунингдек, устоз ижодкорлар ўз ижод намуналаридан ўқиб бердилар. Айниқса, ёшларнинг ижодга, адабиётга бўлган қизиқиши, уларнинг дадил чиқишлари барчада катта таассурот қолдирди. Бу эса келажакда ушбу ёшлар орасидан ҳам янги истеъдодлар етишиб чиқишига умид билдиради.

“Қақнус” клуби бу шунчаки тўғарак эмас, балки қалбларни бирлаштирувчи, истеъдодларни юзага чиқарувчи, сўз санъатини улугловчи муқаддас ижодий, манавий-маърифий маскандир. У ерда ҳар бир сатр – юрак овози, ҳар бир чиқиш – руҳ парвозидир.

Ишонч билан айтишим мумкинки, “Қақнус” клу-



би ижодкорлар юрти бўлган Бойсун ёшлари учун янги ижодий имкониятларни очади ва уларнинг замонавий камолотида муҳим ўрин эгаллайди.

Марварид РАВШАНОВА,
Термиз Давлат Университети, филология ва тилларни ўқитиш ўзбек тили йўналиши талабаси.

Койнотнинг ҳечсизлигида ҳар бир инсон ўзининг митти ва бетакор тақдир чизигига эга.

Аммо бу чизиклар қаердадир кесишмаса, жамият деган яхлит борлик пайдо бўлмайди. Мана шу минглаб мураккаб ва турли тақдирлар бир-бирига боғланиб, умумий бир ҳаёт харитасини чизадиган муқаддас нукта – бу маҳалладир.

Агар давлатни улкан бир тана деб ҳисобласак, маҳалла унинг энг фаол аъзоси, тирик ҳужайрасидир. Масалан, маҳалланинг биз эътибор қилмаган қайси бир кўчасида албатта, сиз ўқиган, билим олган ва мустақил ҳаётга учирма қилган мактаб бўлади. Айтайлик, бизнинг Чорчинор маҳалламиз ҳудудидаги 4-сон мактабда ҳам мудом ҳаёт қайнайди. Бу ерда фаолият кўрсатаётган устозларнинг аксарияти шу маҳалладан. Шу маҳаллада туғилишган, шу маҳалла кўча-



ана шундай фаол аёлларимиздан бири – Зилола Ҳайитова мамлакатимизда аёлларни қўллаб-қувватлашга қаратилган имкониятлардан фойдаланиб, “Хар бир оила – тадбиркор!” дастури даражасида олинган имтиёзли кредит ҳисобидан маҳаллада тикувчилик фаолиятини йўлга қўйди. Шоира Ҳамроева эса давлатимиз томонидан тақдим этилган субсидия асосида хонадонда замонавий иссиқхоначиликни ташкил этди. Эндиликда Шоира опа етиштираётган мева ва сабзавотларнинг оиладан ортиб қолган қисмини савдога чиқариб, қўшимча даромад олмақда.

Маҳалламиз тадбиркор аёлларининг фаолиятини кузатиб, амин бўлдимки, ўзбек аёлининг тадбиркорлиги фақат фойда ортидан қувши эмас, маҳалла аҳлига нафи тегиш, қўшнисининг оғирини енгил қилиш, миллий хунармандчилик сирларини авлодларга безавол етказиш ҳам экан. Биргина бизнинг маҳалламизда қанчалик ўзгаришларни кўряпман, айнақча, аёллар ҳаётидаги ўзгаришлар. Бу аёлларнинг тақдир чизиклари турлича – кимдир ўқитувчи, кимдир тадбиркор, кимдир – уй бекаси... Бироқ бу тақдирларнинг бари бир маънада – маҳалла аталмиш маконда тушган. Ва бу туташув охируқибат маҳалла ободлиги, маҳалла тараққиёти, пировардида Ўзбекистон аталмиш катта бир давлатнинг юксалишига хизмат қилаяпти.

Салтанат САЛИМОВА,
Термиз Давлат университети-нинг ўзбек филологияси факультети, филология ва тилларни ўқитиш ўзбек тили йўналиши 4-босқич талабаси.

Уни эслайман. Сиймоси ҳамisha кўз олдимда. Айтган сўзлари қулгоғим остида жаранглайди.

“Ҳайр, азиз биродарим, ҳайр! Агар бу биродаркушлик жанглиридан омон қолсак, мени Самарқанд ва Бухоро шаҳарларини томоша қилгани олиб борасанми? Биродар, Самарқанд ва Бухоро нафақат сизнинг азиз шаҳарларингиз, балки бизнинг ҳам азиз шаҳарларимиздир. Бизнинг бобомиз Самарқанднинг Дахбедидан эди, Дахбед ахли кўзғолонидан кейин у Бадахшонга қочиб кетди. Қисматни қарангки, унинг авлодлари ҳануз қочқинликда яшамокда”.

Сўнгра бир оз хаёлга чўшиб, лаб остидан бу мисраларни қайта-қайта ўқирди: Бироз дёрсиз қолдик, ё саҳий мадад, Биз Ватандан қочиб кетдик, ё саҳий мадад. Бу байтлар унинг аҳволига яқин бўлиб, ҳаётнинг аччиқ-чучугини ифодалаётгандек эди. У эсларди, кимни эсларди, нимани эсларди, билмасдим.

Хар сафар у шу ҳолатга тушганда, унинг ширин хотираларига ҳалақит бермасдим. Уни ёлғиз қолдирардим, ундан четлашардим. Бироз вақтдан кейин эса у яна олдимга қайтиб келарди.

–Кечир, азиз биродарим, биз одамларнинг тақдир шундай... Нега мен бу аччиқ қисматимни сенга айтиб, кўнглингни оғриятман билмайман. Аслида сен менинг ватандошимсан, жон биродарим! Сенга айтмасам кимга айтаман?

–Ҳечқисми йўқ, ранжимадим... У гапимни табассум қилади. –Яхшиям борсан, азиз биродарим! Бобом айтарди: “Одамнинг захрини одам олади”. Агар бу сўзлар еру осмон орасида

ОНАМ

Она, сизга ўхшаган инсон, Топилмайди ёруғ оламда. Сизликка кўнмамай ҳамон, Қийналаман юриб мотамда.

Яқинларим кўзим ёшлади, Сиз йўқ ҳар сўз тегар дилимга. Ҳаёт мени қийнаб ташлади. Онасизлик қийин экан-да.


Борлигингиз ўзи бахт экан, Мехрингизга тўёлганим йўқ. Онасизда қадр йўқ экан. Соғинч дилимга санчилган бир ўқ.

Қани эди сиз бор пайтларга, Қайта олсам, шодон бўлардим. Ҳизматингиз қилиб доимо, Қўлингиздан маҳкам тутардим. Жасмина ЭШНИЁЗОВА, 14-умумтаълим мактабининг 10-синф ўқувчиси.

йўқолмай, сизнинг кўнглингиз биздан ранжимаса, билинг – бизнинг тақдиримиз узоқ ва мураккаб, гўё “Минг бир кеча” афсонасидек.

...Ўша йилларда Бухорои шарифга шўро аскарлари кириб, инқилоб бошланган пайтларда Амир Олимхон Афғонистон томонга қочиб кетди. Бу воқеалардан беҳабар бизнинг бобомиз эса дўстлари билан аҳд қилиб, Панж дарёсидан кечиб ўтади ва Самарқанд ҳамда Бухоро шаҳарларини зиёрат қилиш учун йўлга тушади. Инқилобнинг овозасини шу ерда эшитиб, у яна Файзобод томонга қайтади. Шундай қилиб у Ватан дарду ҳасратини юрагида кўтариб, тупроққа кўшилди – менинг бечора қиблагохим.

Азиз биродарим, тақдиримиз ўхшаш. Панж дарёсининг нариги соҳилида сизлар, бу соҳилида эса биз яшаймиз. Ўша йилларда ҳам бугунгидек Ватанимизда биродаркушлик жанглири бошланган эди. Мен ҳарбий соҳада ишлардим. Мени ўқиш учун Совет иттифоқида юбормоқчи бўлишди. Масъул ҳодимлар менинг барча ҳужжатларимни қўриб тасдиқладилар ва ўқишга рухсат бердилар. Яқинларим ва отамни қўриш ниятида Қобул шаҳридан чиқиб, ўн икки кун давомида ҳам пиёда, ҳам отда Файзобод сари йўл олдим. Бемор бўлиб ётган отам мени қўриши билан қувониб, дарҳол ўрнидан туриб ўтириб олди. У мени қайта-қайта бағрига босиб ийғларди. Отам мени ўқиш учун шўро ҳукуматида юборишгаётганини англаб етди. Ийғлаб, Самарқанд ва Бухоро шаҳарларини зиёрат қилишимни тайинлади. Мен унга зиёрат қила-



ОТАМ

Дунё ташвишидан қадди букилган, Фарзандларим деб елиб-югурган, Ўз орзуларини бир четга сурган, Дармоним, суянчим, қалқоним, отам.

Гоҳо тақдир мени синовга солса, Омад деган отим чопполмай қолса, Эгик бошим силаган бир инсон бўлса, Мехрибон, дарддошим, мадорим отам.

Отам бор, узатсам қўлларим узун, Дунёнинг ғамлари қилолмас маҳзун, Оллоҳим отамни асра мен учун, Мен учун энг азиз инсоним отам! Сарвара ЭШНИЁЗОВА, 14-умумтаълим мактабининг 10-синф ўқувчиси.

кунатга чўмган хонадон гўдақлар фарёдида қўлди. Бу фарёд оддий йиғи эмас эди. Бу қалбни ёриб қикаётган дард, тушунилмаган йўқотиш, чексиз кўрқув ва ожизликнинг аччиқ нидоси эди. Улар нима бўлганини тўлиқ тушунмас, аммо онаси энди қайтиб келмаслигини бола қалби билан ҳис қилишяпти. Бу эса энг оғир ҳиссиёт. Бу ҳолатни кўрган, эшитган инсон борки, бефарқ қолломайди.

Бу аламангиз воқеани “шундай бўлиб қолибди”, деб қабул қилиб бўлмайди. Бу тасодиф эмас. Бу – эътиборсизлик, сукут ва руҳий оғриқларнинг ҳосиласи. Кўпинча биз атрофқилинган инсонларнинг ички ҳолати, ички дунёсини кўра олмаймиз. Улар бошқалардек қулиб юришади, ширин муомалада бўлишади, ҳатто бошқаларни қўллаб-қувватлашади. Ўзларини хотиржам туттишади. Кўксиларида пинҳон сақлаб юрган дард, алам, руҳий бўҳронлар бошқа қалбларга озор беришдан тийилишади.

Балки кимгадир дардини айтгиси, кимдандир маънавий ёрдам сўрагиси келгандир онанинг Афсус, атрофдагилар, яқинлар ичида она қалбини, унинг қалб сукутининг моҳиятини англашувчида топилмаган шекилли...

Ҳаёт қисматига ташланган уч гўдак. Энди уларнинг ҳаёти ҳеч қачон аввалгидек бўлмаслиги мумкин. Бу қисмат балки сизнинг, бизнинг, барчамизнинг эътиборсизлигимиз, бепарволигимиз мевасидир?

Шу мудҳиш воқеадан ҳулоса қилдимки, баъзан инсон учун биргина “яхшимисиз, ахволингиз нечук?” маъносидаги кўнгли сўраш ҳам унинг ҳаёти, тақдир ижобий томонга ўзгариши учун кифоя экан.

Ҳатто тинглаш, бир озгина меҳр, озгина эътиборнинг ўзи ҳам...

Шаҳоб МУРТАЗОЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Хукумати муҳофаза қилиш академияси прокурорлик фаолияти йўналиши 3-босқич талабаси.

ВАТАН ТУПРОҒИНИ СОҒИНИБ...

ман деб ваъда бердим. Қобулдан Москвага самолётда келдим. Уч йил давомида Санкт-Петербург шаҳридаги ҳарбий академияда тўпчилик соҳасида қарбим олдим. Ҳарбий хизматда бўлганимиз сабабли, ҳар бир дақиқамиз, ҳар бир кунимиз тартиб ва ҳисоб билан ўтарди. Минг афсуски, мен қари отамнинг васиятини бажара олмадим. Биз ўн бир нафар тўпчи таҳсилдан кейин Ватанга қайтдик. Қобул шаҳрига қайтиб билдимки, отам мен билан учрашгандан уч ой ўтиб оламдан ўтган экан. Бизни фронтга юборишди. Уч йил ичида ҳамсабоқларимиздан фақат Абдурауф ва мен тирик қолдик.

Баҳор фасли эндигина бошланаётган эди. Хизмат вазифамизни адо этиш учун бизни Ҳўст вилоятига юборишлари керак эди. Биз ҳарбий автомашиналар қарвони билан Ғазна шаҳрига йўл олдик. Ҳарбий машиналар бир маромда, турналар каби қаторлашиб йўл юрарди. Ғазна шаҳрига яқинлашганимизда Бадахшондан бўлган Карим Одил дўсти Абдурауфга кўнгирак қилиб, унинг турган жойини аниқлади. Баҳорнинг илик нафаси сезилаётган бўлсада, кишининг совуқлиги ҳануз тасвирини сақлаб турарди. Майдалаб ёмғир ёғарди. Тахминан шом намози пайтида биз Абдурауфнинг қароргоҳига етиб келдик. Абдурауф бизни кўрган заҳоти ўз аскарлари билан қарши олди.

Нурали САФАРОВ.
(Тожиқ тилидан Н.Жўракулова таржимаси).
Давоми келгуси сонларда.

БОЙСУНИМ

Бойсуним боғларинг нақадар кўркам, Тоғлар салобатли, гўзал муҳташам. Не-не мўъжизалар юрти Бойсуним, Шоир олимлар кенти Бойсуним,

Одамлари танти, саҳий инсонлар, Боғлари бепоеъ, гўзал бўстонлар. Дикқатга сазовор ҳар бир гўшаси, Мевалари асал, бетакрор бўстон.

Азиз-авлиёлар юртидир Бойсун, Қирқиз, Фарҳодларнинг изи бор Бойсун. Алломиш, Барчинлар Бойсундан чиққан, Марду майдонларнинг юртидир Бойсун.

Шеърят бобида зўрдир Бойсуним, Баҳши-оқилларнинг юрти Бойсуним. Дуогўй мўйсифид ҳожилари бор, Юрт мадҳин қуйлаган оқинлари бор.

“Бойсун баҳори”га ошиқар дунё, Тоғлар виқориға бўлар маҳлиё. Ўзбекистон ичра бир дона Бойсун, ЮНЕСКО танлаган дурдона Бойсун! Рустам САЙФИДДИНОВ, Пасурхи маҳалласи.

BOYSUN

MUASSISLAR:

Xalq deputatlari Boysun tuman Kengashi va tuman hokimligi

BOSH MUHARRIR
Davron OROPOV

NAVATCHI:
N. JO'RAQULOVA.

Internet materiallaridan foydalaniladi.

Gazeta 2012-yil 2-fevral viloyat Matbuot va axborot hududiy boshqarmasida 11-043-raqam bilan ro'yxatga olingan. Indeks: 64622 Bahosi kelishilgan narxda.

Hajmi - 2 bosma taboq. Bichimi A-2 Chop etishga topshirish vaqti - 17⁰⁰ Topshirildi - 16⁰⁰ Adadi : 1400 Buyurtma №

Gazeta sifatiga bosmaxona mas'ul

ISSN 2181-7073

- tijorat materiali.

Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan tarq qilishi mumkin. Qo'lyozmalar egasiga qaytarilmaydi, yozma javob berilmaydi. “BOYSUN” gazetasidan materiallarni ko'chirib bosish muharririyat roziligi bilan amalga oshirilishi lozim.

Gazeta oyiga ikki marta o'zbek va tojik tillarida chop etiladi.

TAHRIRIYAT MANZILI:

190401, Boysun, Zartepa ko'chasi, 37-uy. Telefonlar: 76-33-51-368, 99-733-06-59 e-mail: boysun@uamail.uz

Gazeta «Boysun» tahririyati kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Gazeta «Surxon tongi» va «Zarya Surxana» gazetalarini bosmaxonasida chop etildi. Manzil: Termiz shahri Shukrona ko'chasi 19-A uy.